

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент вилояти Тошкент тумани
32-сон болалар мусиқа ва санъат

мактаби директори

В. И. Ли

21 маин 2022-йил

Техник топширик

Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқув методик ресурслар электрон кутубхонасини яратиш ишларига техник вазифа

Бажарувчининг асосий вазифалари:

Ўқув методик ресурслар электрон кутубхонаси умумий кўриниши дизайнини ишлаб чиқади.

Дизайн тасдиқланганидан сўнг HTML, CSS дастурлари ёрдамида электрон кутубхонани яратади.

Ўқувчилар томонидан фойдаланиш қулай бўлиши учун китоблар ва асарлар йўналишлар, жанрлар, алфавит, синфлар кўринишида жойлаштиради.

Базага жами 4300 та китоб, 7200 та алоҳида асарлар жойлаштирилади.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинган китоблар сканерлаб PDF форматда базага жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган мусиқа йўналишлари бўйича дастурлардаги асарлар алоҳида синфларга бўлинган ҳолда жойлаштириб чиқлади.

Шартнома тузишдан олдин Ижро этувчи (бажарувчи) электрон кутубхона яратиш бўйича бошқа ташкилотларда бажарган ишларини БМСМ ишчи гурухига намойиш қиласди.

БМСМ ходимларига дастурдан фойдаланишни ўргатади.

Дастурни 1 йил давомида техник қўллаб боради ва базани тўлдириб боради.

Ишнинг режалаштирилаётган бошлаш муддати: 2022 йил 28 май.

Ишнинг режалаштирилаётган тугатиш муддати: 2022 йил 15 май

Ишнинг босқичлар бўйича таркиби:

№	Ишнинг босқичлар бўйича номланиши	Ишнинг давомийлиги	Жавобгар
1.	Ўқув методик ресурслар электрон кутубхонаси умумий кўриниши дизайнини ишлаб чиқиш	2 иш куни	Бажарувчи
2.	HTML, CSS дастурлари ёрдамида ўқув-методик ресурслар электрон кутубхонани яратиш	12 иш куни	Бажарувчи
3.	Ўқув-методик ресурслар электрон кутубхонани мактаб тармоғига ўрнатиш	1 иш куни	Бажарувчи
4.	БМСМ ходимларига ўқув-методик ресурслар электрон кутубхонасидан фойдаланишни ўргатиш	1 иш куни	Бажарувчи
5.	Сканер қилинадиган адабиётларни тақдим қилиш	1 куни куни	Буюртмачи
6.	Тақдим қилинган адабиётларни сканер килиб PDF форматга ўтказиш	8 иш куни	Бажарувчи

Буюртмачи ва Бажарувчининг ушбу хужжатдаги имзолари уларнинг қуидаги бандларга рози эканлигини тасдиқлайди:

1. Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган ишларга бўлган талаблардан иборат ушбу “Техник вазифа” хужжати ишлаб чиқилди.
2. Буюртмачи ушбу Техник вазифалар шартларига билан таърифланган хизматни қабул қиласди
3. Бажарувчи ушбу техник вазифада кўрсатилган хажмдаги ишни бажариш мажбуриятини олади.
4. Келишиш жараёнида қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши мумкин. Улар қўшимча келишув билан расмийлаштирилади